



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal



MAXSUS SON / SPECIAL ISSUE

20
BIZ
2000 - 2020
YOSHIDAMIZ!





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Oliy Attestatsiya Komissiyasining
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

Usmonxon Alimov – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy,
Akmal Saidov – Yuridik fanlari doktori, professor,
Shoazim Minavarov – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori,
Shayx Abdulaziz Mansur – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori o'rinbosari,
Shuhrat Yovqochev – Siyosiy fanlar doktori, professor,
Baxtiyor Ergashev – Tarix fanlari doktori,
Amriddin Berdimurodov – Tarix fanlari nomzodi,
Shuhrat Sirojiddinov – Filologiya fanlari doktori, professor,
Ahadjon Hasanov – Tarix fanlari doktori, professor,
Bahrom Abduhalimov – Tarix fanlari doktori, professor,
Baxtiyor Turayev – Falsafa fanlari doktori, professor,
Zohidjon Islomov – Filologiya fanlari doktori, professor,
Zohidullo Minavvarov – Siyosiy fanlar doktori, professor,
Ilhom Saidov – Tarix fanlari doktori, professor,
Baxtiyor Karimov – Falsafa fanlari doktori, professor,
Shukurillo Umarov – Hadisshunoslik bo'yicha falsafa doktori.

🇺🇿 **Ashirbek Mo'minov** – Tarix fanlari doktori, professor.
(L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti),
🇺🇸 **Devin DeWeese** – Professor, yozuvchi
(Indiana universiteti, AQSH),
🇹🇷 **So'nmaz Kutlu** – Professor, ilohiyotchi
(Anqara universiteti, Ilohiyot fakulteti),
🇩🇪 **Ingeborg Baldauf** – professor
(Gumbold nomidagi Berlin universiteti).

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va Ommaviy
Kommunikatsiya Agentligi tomonidan № 0057 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Tahririyat manzili:

141306, Samarqand viloyati,
Payariq tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz

Web-sahifa: www.bukhari.uz

Telefonlar: (0366) 240-2019, (0366) 240-2011, (+99897) 910-97-14

- ! Maqolada keltirilgan ma'lumotlar uchun muallif mas'ul.
- 💬 Jurnalidan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.
- ✍️ Tahrir hay'ati fikri mualliflar fikridan farq qilishi mumkin.
- 📅 Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Bosh muharrir:
Shovosil Ziyodov

Bosh muharrir o'rinbosari:
Otabek Muhammadiyev

Musahhihlar:
Shokirjon Isoqov, Baxtiyor Ibotov

Jurnal andazasi tahririyatning
kompyuter bo'limida tayyorlandi.

Sahifalovchi-dizayner:
Muhammadiqbol Shukurov

Zafar Uzoqov, Furqat Asadov
olgan suratlardan foydalanildi.



БОҒИСТОНИЙЛАР ХОНАДОНИ

Ислом тарихида ислом илмларининг маълум бир йўналишда олимлар сулоласи шаклланган. Шу ўринда буюк мутасаввиф Шайх Умар Боғистоний (XIII-XIV аср) ва унинг ўғли Шайх Хованди Тахур (XIV аср), нақшбандия тариқатининг йирик сиймоси Хожа Абдулло Аҳрор (1404-1491) номларини алоҳида қайд этиш мумкин. Бу улуғ сиймолар бевосита Шайх Умар Валий Боғистоний хонадони вакиллари саналади. Тарихий манбаларда Боғистонийлар хонадони сифатида эътироф этилган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Нанай ва Бурчмулла қишлоқлари ораллиғида Боғистон қишлоғи, яъни «боғлар ўлкаси» жойлашган. Боғистон Умар Валий мажмуаси ёки Мозори Шахмар бува зиёратгоҳи бўлиб, у Мозорсой ва Пском дарёлари кесишган жойда, қишлоқнинг ғарбий қисмида жойлашган¹.

Тасаввуф аҳллари орасида Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган, Баҳоуддин Нақшбанднинг эҳтиромига сазовор бўлган Шайх Умар Боғистоний ҳам бор. У ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Шайх Умар Боғистонийнинг туғилган йили номаълум, вафоти эса 691/1291 йилда юз берган².

Шайх Умар Боғистоний илм ўрганиш ниятида Бухорога келади ва бу ерда Шайх Ҳасан Булғорий билан учрашиб, унга мурид бўлади. Шайх Умар Боғистоний уч йиллик хизмат ичида Ҳасан Булғорийдан таълим олади ва касбу камолот ҳосил қилади. У Шайх Ҳасан Булғорий қўлида валоят даражасини топгани туфайли ўз пири каби Шайх номига мушарраф бўлган³.

Шайх Умар Боғистоний тасаввуфда камолга етгандан кейин ватани Боғистонга қайтиб келади ва халқни тўғри йўлга, илму ирфонга тарғиб қила бошлайди.

У Шайх Хованд Тахурнинг отаси. Шайх Хованд Тахур тариқат илмининг илк сабоқларини ўз отасидан олган. Шайх Умар Боғистонийнинг насабномасига қараганда, ўн олти ота-бобо билан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин чаҳорёрларнинг иккинчиси – Ҳазрат Умар ибн Хаттобга бориб туташади.

Бу ҳақда Мавлоно Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин” асарида ҳам таъкидланган: “Бизнинг Ҳазрати Хожамиз (Хожа Аҳрор) нинг оналари Хожа Довуднинг қизлари бўлган. У Шайх Хованди Тахурнинг ўғиллари бўлган. У зот эса Ҳазрати Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди. Улар эса ўн олти восита ила Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумага етишадилар. Хожа Довуднинг оналари эса ота тарафдан саййида (саййидзода) бўлган. Шайх Хованди Тахурнинг оналари ҳам саййидлардан бўлган”⁴.

Шайх Хованд Тахурнинг дунёга келишлари ва исмлари ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддиқий (ваф. 1087/1676) «Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс» асарида шундай келтиради: «Шайх Зайниддин Кўйиорифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта ниятига етгусидир». Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний умр йўлдошлари билан Шайх Зайниддиннинг мазорларига зиёратга келиб, қабрлари олдида Аллоҳ таолодан фарзанд сўраганлар. Вақт-соати келиб Аллоҳ таолонинг инояти билан улар фарзандли бўлишади. Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мазорларига олиб борадилар. У ерда кабутарлар чақалоқни кўриб «ат-тахур, ат-тахур» деб сайрай бошлашади. Шайх Умар буни туғилган ўғлига башорат деб билади ва чақалоққа “Тахур” дея исм қўяди.

Ушбу воқеани рус шарқшуноси А.Семенов 1914 ва 1916 йиллари ёзган мақолаларида ҳам қайд этган. Шайх Умар чақалоқни Зайниддин мақбарасига олиб келганда, бу ерда юрган бир тўда кабутарлар ҳавога кўтарилади ва уларнинг учиши, овозидан «тахур» сўзи қулоққа чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган

¹ Тошкент атрофлари бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А. Урманова при участии Н. Нижневской, В. Газиева. – Т.: Ташкентбошпланлити, 2012. – С. 89.

² Қаранг: Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. 270–272-бетлар; Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. -Т.:2004. Б.5.

³ Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. -Т.:2004. 6-б.

⁴ Мавлоно Муҳаммад Қози. “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин”. Шарқ қўлёзмалари маркази қўлёзма № 6114. 41 а- саҳифа.



НЕЪМАТУЛЛО МУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси
мудир, тарих
фанлари доктори,
доцент



Шайх Хованд Тахурнинг дунёга келишлари ва исмлари ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддиқий «Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс» асарида шундай келтиради: «Шайх Зайниддин Кўйиорифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта ниятига етгусидир».

Хованд исми ёнига Тахурни ҳам қўшади. Хованд сўзи «худованд» сўзининг қисқартмаси бўлиб, художўй де- ган маънони англатади.

Тарихчи Фахриддин Али Сафий Шайх Хованд Тахур ҳақида "...ўз отасининг тарбияти ва инояти- нинг сояси остида валоят аҳлининг олий даражасига етишди..."⁵ деб ёзган. "Рашаҳот" асарида ёзилишича, Шайх Умар Валий Боғистоний камтарона ҳаёт кечи- риши билан одамларга ибрат бўлган. У деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланган ва ўз касб- коридан ҳалол тирикчилик қилган. У катта мулла ёки катта сўфий бўлишни ўзига шараф деб билмаган ва шухрат орқасидан қувмаган: оддий, бироқ ҳақиқий ин- сон бўлишга интилганки, биз буни ўғли Хованд Тахурга қилган насиҳатидан кўрамиз.

Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» китоби- да унинг ўз ўғли Хованд Тахурга айтган қуйидаги сўзларини келтиради: «*Тахур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл*»⁶. Шайх Умар Валий Боғистонийнинг ушбу сўзлари айниқса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ушбу насиҳат ўлароқ Шайх Хованд Тахур соҳиб каромат шайхлар орасида юсак мақомга эришган.

Шайх Умар Боғистонийнинг бирор бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у зот- нинг ҳикматли сўзлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Жумладан, бир ривоятда шундай дейилади: «*Бир киши тариқат сирларини ўрганиш учун олис ердан Шайх Умарнинг олдларига келади. Шайх Умар у киши- дан сўрайдилар:*

– *Сен яшайдиган жойда масжид борми?*

Айтади:

– *Бор.*

Яна сўрайдилар:

– *Ислом аҳкомларини биласанми?*

Айтади:

– *Биламан.*

Шунда Шайх Умар айтадилар:

– *Ундай бўлса, бу ерга келиб нима қилардинг? Ибо- дат аҳкоми маълум бўлса, ибодат жойи маълум бўлса, қайтиб бор-да, ўша ишинг билан шуғулланавер».*

Мазкур мазмунда Шайх Умар Валий Боғистонийнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари ҳам омма орасида кенг тарқалган:

«*Биз муриднинг кўнглини бошқа нарсалар- дан бўшатиб, уни тавҳид (ёлғиз Аллоҳ) томонига қаратамиз. Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ қилади, биз са- бабчимиз холос*»⁷.

Шайх Умар Валий мақбараси сўлим боғда жойлаш- ган. Қадимий боғда икки муқаддас даргоҳ мавжуд: Шайх Умар Валий мазори ва Шайх Довуд мазори. Бинонинг кириш қисмида қайроқ (тошдан қабртош) ўрнатилган,

⁵ Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. –Т.:2004. 11-6.

⁶ Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. 271-бет. Яна қаранг: Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. – Т.: 2004.

⁷ Қаранг: Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний ва Б.Умрзоқ. –Т.:Абу Али ибн Сино, 2004. -Б.270–272.

унда араб тилидаги ёзувлар бор. Шайх Довуднинг мақбараси табаррук арча дарахти остида жой олган. Маҳаллий аҳолининг ривоятига кўра, боғдаги дарахт- ларнинг Хожа (Хўжа) Аҳрор⁸нинг ўзи ўтказган ва унинг яхши ниятлари тимсоли ҳисобланади. Шу боис, бугунга қадар маҳаллий аҳоли қадимий дарахтларни боқий ҳаёт ва серҳосиллик тимсоли сифатида ардоқлашади⁹.

Маълумки, тариқатда пирлар камолга эришган, пири комил бўлишлари керак, шундагина улар муриди- ни камолотга етказа оладилар. Агар пир ноқис бўлса, муриди ҳам камолотсиз қолади.



Шайх Хованд Тахурнинг қуйидаги сўзлари ҳам ҳақиқий инсонийлик ва олижаноблик туйғуларини уйғотади: «*Борғил-да, душманнинг кўнглини топ. Дўст- нинг кўнглини синашга эса қандай эҳтиёж бор?!*». Яъни, душманнинг кўнглини топиб тинчлик йўлини тут, дўстларни эса синашга эҳтиёж йўқ, чунки улар бун- дай синовлардан ўтишган. Агар сен душман деб сана- ган одамнинг кўнглини топа оладиган киши бўлсанг, дўстлар кўнглига аллақачон йўл топгансан. Шундай экан, дўстларни заруратсиз имтиҳон қилма, чунки бу нарс уларда шубҳа уйғотади ва натижада дўстликка путур етади.

Бундай олижаноб фикрлар хожа Ҳофиз Шерозий шеърлярида ҳам учрайди¹⁰:

*Осойиши ду гити тафсири ин ду ҳарф аст,
Бо дўстон мурувват, бо душманон мадоро.*

Мазмуни: «Икки жаҳоннинг осойишталиги бу икки сўзнинг маъносидан иборат: дўстларга мурувват кўрсатиш-у, душманлар билан муроса қилиш».

Шайх Хованд Тахур нафақат насрда, балки назмда ҳам ижод қилганлар. Унинг байтларини Хожа Аҳрор Ва- лий қуйидагича келтирадилар¹¹:

⁸ Хожа Аҳрор Шайх Умар Валий Боғистонийнинг авлоди саналади. Шайх Хованд Тоҳур Шайх Умар Валийнинг фарзанди бўлиб, Хожа Аҳрорнинг онаси Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тахурнинг ўғлидир.

⁹ Атрофлари Тошкент буйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А.Урманова при участии Н.Нижевской, В.Гагиева. –Т.: ТАШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ, 2012. 89-с.

¹⁰ Валихўжаев Б. Шайх Хованд Тахур // Мулоқот, 1998, 2-сон. 53-б.

¹¹ Фахрулдин Али Сафий. Шайх Хованди Тахур // Рашаҳоту айнил-ҳаёт. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. 274-б.

Нигоҳбони ду чашм аст чашми дилдори,
Нигоҳдор назар аз руҳи дигар ёри.
Холо мабод, ки чашмаш ба чашми ту нигарад,
Даруни чашми ту бинад ҳаёли ағёри.

Мазмуни: «Дилдорнинг кўзи икки кўзингни кузатиб турувчидир. Нигоҳингни ўзга ёр жамолига тушишидан сақла. Эҳтиёт бўлки, кўзи кўзингга боққанда, кўзингда бошқанинг ҳаёли борлигини кўрмасин».

*Шер зод бешаи ишқам қавий дар кори хеш,
К-ав ҳарифи ман, биё то зўрбозу бингарад.*

Мазмуни: «Ишқим чангалзори ўз ишида пухта шер-ни туғди, Эй, рақибим, кел, унинг курашини кўр».

Шайх Хованд Таҳур ҳақидаги маълумотлар бир неча манбаларда учрайди. Улардан XV ва XVII аср бошларида битилган Сайид Абдулаввалнинг «Масмуот» («Эшитилганлар»), Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин» («Орифлар силсиласи»), Али Сафийнинг «Рашаҳот айнил-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасининг қатралари»), Олий шайх Сиддиқийнинг «Ламаҳот мин нафаҳотил-қудс» («Табаррук шабадалардан лаҳзалар»). Булардан ташқари XIX асрда номаълум муаллифнинг икки бетдан иборат рисолаи ҳамда Муҳаммаджон Ўразаевнинг «Ҳазрати Шайх Хованд Таҳур» номли бир бетли, ўзбек тилидаги маълумотлари ҳам борлиги хабар қилинади. 1915 йилда эса, А.А.Семенов «Тошкентлик Шайх Хованд Таҳур ва унга нисбат бериладиган қулоҳ» номли мақолани ҳам нашр эттирган.

XX асрнинг ўрталарида академик М.Е.Массон «Шайх Хованд Таҳур» ёдгорлик мажмуасида тадқиқотлар олиб борган ва ўзининг китобида Шайх Хованд Таҳур ва шу ном билан аталувчи ёдгорлик мажмуаси ҳақида маълумотлар берган. Архитектор олим Абдужаббор Яҳёев ҳам мажмуадаги ёдгорлик биноларини ўрганиб мақолалар ёзган.

Маълумотларга қараганда, Шайх Хованд Таҳур қабрлари устига XV аср бошларида Хожа Аҳрор Валий томонидан мақбара қурилган. Мақбара хароба ҳолга тушиб қолганда, XVIII–XIX асрларда қайта таъмирланган.

Шайх Умар Валий Боғистоний хонадони яна бир вакили Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айна пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба кор» («Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат шиорини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шуҳрат эътироф қилинади.

Аҳли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳнамоси ва ғамхўрига айланган бу бетакрор шахс ҳақида бир неча манбаларда қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Фаҳриддин Али Сафий «Рашаҳот» асарида хабар беришича, Хожа Аҳрорнинг катта бобоси Хожа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ўлими яқин эканлигини ҳис қилган Хожа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини рози-ризолик сўраш учун чақиртиради. У пайтда Хожа Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирқа (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келишади. Хожа Шаҳобиддин гўдак Убайдуллоҳга назари тушиб, ҳаяжонланиб, кўзлари ёшга тўлиб, боланинг пешонасига қўлларини теккизиб, шундай дейди: *“Бу бола келажакда дунёни эгаллайди, шариятни тарқатади,*

*тариқатга ривож беради, ҳукмдорлар унинг айтганларини бажарадилар. Ўтган барча шайхлар кўрсата олмаган кароматларни башорат этади”*¹².

Хожа Аҳрор ҳижрий 806 йил рамазон ойида (1404 милодий йил, март) Шош – Тошкент вилояти музофотларидан бири Боғистонда дунёга келган. Унинг отаси Хожа Маҳмуд ва боболари маърифатли кишилар бўлиб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланишган. Онаси эса Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тоҳурнинг ўғлидир.

Хожа Аҳрор бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларида олади. 20 ёшдан ўтганда, тоғаси Хожа Иброҳим уни Самарқандга олиб боради. Бу ерда у турли фанлардан таълим олади. Хожа Аҳрор кўпинча тасаввуф илмига қизиқар эди. Бу қизиқиш уни Ҳиротга етаклайди. Шу мақсадда 24 ёшида Ҳиротга бориб, тасаввуф тариқати вакиллари билан учрашади. Улардан бири машҳур ориф ва табризлик шоир Сайид Қосим Анвор (ваф. 1433) эди. Шунингдек, Хожа Аҳрор Баҳроуддин Умар (ваф. 1453), Шайх Зайниддин Хавофий (ваф. 1439) лар ҳузурда ҳам бўлади¹³.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошади. Бу борада Амин Аҳмад Розий “Ҳафт иқлим” асарида шундай ёзган: *“Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Туркистон ва Мовароуннахрнинг тамоми машойихларидан кўра обрў, буюклик, эргашувчиларининг ва бойлигининг кўплиги жиҳатидан устун, мумтоз ва мустасно бўлган эдилар. Ёшлигида Мавлоно Яъқуб Чархий ва Мавлоно Низомиддин Хомушдан иршод топганлар... Чунончи, замона султонлари ва фармони ўтувчи хоқонлари унга нисбатан иродат ва ихлосини зиёда қилганлар. Ҳар бир гап у томонидан айтиладиган бўлса, яширин дуру гавҳар янглиғ хушли қулоқларига зеб қилиб олганлар. Хусусан, Мирзо Султон Абу Саид мулку миллатнинг жами ишларида у билан машварат қиларди, савобнамо раъйига қарши бормасди. Олдиларида ниҳоятда ниёзмандлик ила пиёда юрарди”*¹⁴.

Хожа Аҳрор қаламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улардан бири «Фақарот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар») номи билан машҳур бўлиб, унда Хожа Аҳрорнинг ва баъзи бошқа тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Иккинчи рисола - «Волидия»¹⁵ («От-ага бағишлов») деб аталган бўлиб, унда тариқат йўлига кирган кишининг одоб-ахлоқи, фақр ва фано тушунчалари ҳақида сўз боради. Ушбу рисолаи Заҳириддин Муҳаммад Бобур форс тилидан ўзбек тилига шеърӣ таржима қилган. Учинчи рисола – «Хавроия» деб аталиб, машҳур мутасаввиф шоир Абу Саъид Абулхайрининг «Хавро» («Хурлар» ёки «Фаришталар») сўзи билан

¹² Қаранг: Рашаҳот. Лакҳнав нашри. -Б.218-219; Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. -Т.: Маънавият, 2003. -Б.13.

¹³ Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Т.1. -М.: Восточная литература, 2006. -С.43; Қаранг: Маънавият юлдузлари. Хожа Аҳрор /А.Ўринбоев. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. -Б.204 – 208.

¹⁴ Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим. Шарқ қўлғемалари маркази қўлғема № 617. 520^б саҳифа.

¹⁵ Қаранг: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия / Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Ҳасанов. -Т.: Тошкент ислом университети, 2004. -52 б; Мирзо Кенжабек. Дунёнинг муршиди. -Т.: Фан, 2004. -52 б.

бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган.

Шунингдек, Хожа Аҳрорнинг ўз замондошларига ёзган бир неча руқъа-номалари ҳам бизгача етиб келган. Улардан энг муҳими, «Мажмуаи мурасалот» деб номланган. Тўплам Алишер Навоий буйруғи билан тузилган ва шунинг учун «Навоий тўплами» ҳам деб аталади. Ўз навбатида тарих фанлари доктори А.Ўринбоев америкалик олима, Нью-Жерси университетининг профессори Жо Энн Гросс билан ҳамкорликда бу номаларни инглиз тилига ўгириб, «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг хатлари ва унинг муридлари» номли китоби 2002 йилда Голландиянинг дунёга машҳур «Брилл» нашриётида чоп этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Шайх Умар Валий Боғистоний хонадони вакиллари нафақат юртимизда,

балки Марказий Осиёда авлиё сифатида улуғланган. Бу ҳолатни қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

Шайх Умар Валий Боғистоний хонадони ўзининг камтарона ҳаёт йўллари, илмий-маънавий ўғитлари билан инсонларни меҳр-оқибат, ҳалоллик, камтарлик, саховат, комиллик каби қадриятларга қорлашган. Мазкур хонадон вакиллари нақшбандия тариқатининг «Дил ба ёру, даст ба кор» («Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган сўзларини ўзининг ҳаёт мезонига айлантирган. Хожа Аҳрор эса бу пурҳикмат шиорни амалда юксак мақомга етказган.

Шайх Умар Боғистоний хонадони улўғ сиймолари ибратли ҳаёт йўли ва сермазмун фаолияти, илмий-маънавий ўғитлари, насиҳатлари билан ҳозирги кунда ҳам комил инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.



♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада Шайх Умар Боғистоний (XIII-XIV аср) ва унинг ўғли Шайх Хованд Тахур (XIV аср), нақшбандия тариқатининг йирик сиймоси Хожа Убайдулло Аҳрор (1404-1491)лар ҳаёти ва фаолияти ўрта аср қўлёзма манбалари асосида тадқиқ этилган. Шайх Умар Боғистоний хонадони вакиллари камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга ибрат бўлиб, улар ўртасида меҳр-оқибат, ҳалоллик, саховат, яхшилик каби қадриятларни тарғиб қилгани таҳлил этилган. **Таянч сўзлар:** Боғистон, шайх, Умар Валий, Хованд Тоҳур, Хожа Аҳрор, Шош, Тошканд, сўфи, мулла, мусулмон, комил инсон.

♦ **Annotation:** In this article, based on medieval sources studied activity of well-known representatives of Nakshbandite Tariqah Shaykh Umar Bagistani (XIII-XIV), his son Sheikh Havand Takhur (XIV), as well as other well-known representative of the Naqshbandi Haji Ubaydullah Ahrar (1404-1491). It analyzes the modest life of the family of Sheikh Umar Bagistani as an example of imitation and its role in spreading feelings of devotion, generosity, mercy, and kindness. **Key words:** Bagistan, Sheikh, Umar Wali, Havand Tahir, Haji Ahrar, Shash, Tashkent, Sufi, molla, Muslim, perfect person.

♦ **Аннотация:** В данной статье на основе средневековых источников изучены деятельности известных представителей Накшбандитского тариката как Шейх Умар Багистани (XIII-XIV века) его сына Шейх Хаванд Тахура (XIV аср), а так же другого известного представителя нақшбандия Хаджи Убайдуллаха Аҳрара (1404-1491). Анализирован скромный быт семьи Шейха Умар Багистани как пример подражания и его роль в распространении чувств преданности, щедрости, милосердия и доброты. **Ключевые слова:** Багистан, шейх, Умар Вали, Хаванд Тахур, Хаджа Аҳрар, Шаш, Ташкент, суфи, молла, мусульманин, совершенная личность.

